

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 03 | pp. 244-248 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ИСЛОМ МОЛИЯСИ ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА УЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Султонов Баҳтиёр Баҳодирович
Урганч давлат университети таянч докторанти
e-mail: b.sultonov@list.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон аҳолисининг исломий молиялаш тамоилиларини қай даражада билиши, унга бўлган қизиқиши, бу тизимни мамлакатимизда жорий қилиш зарурлиги ва бунинг учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисидаги фикрлари мухокама қилинган. Мамлакатимиз иқтисодиётига бу соҳани жорий қилиш бўйича хulosса ва таклифлар билдирилган.

Аннотация. В данной статье рассматривается, осведомленность жителей Узбекистана о принципах исламского финансирования, их заинтересованность в нём, мнения о необходимости внедрения этой системы в нашей стране и мерах, которые необходимо для этого предпринять. Были представлены выводы и предложения по внедрению данного сектора в экономику нашей страны.

Abstract. This article examines how much the residents of Uzbekistan know the principles of Islamic finance, their interest in it, the need to implement this system in our country and the measures that should be taken for this. Conclusions and proposals for the introduction of this sector into the economy of our country were presented.

Калит сўзлар: ислом молияси, анъанавий иқтисодиёт, сўровнома, талаб, банк хизматлари.

Ключевые слова: исламские финансы, традиционная экономика, опрос, спрос, банковские услуги.

Key words: Islamic finance, traditional economics, survey, demand, banking services.

Минтақа иқтисодиётини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда молия муҳим восита бўлиб қолмоқда. Чунки, тадбиркорликни амалга ошириш, шу жумладан, хом-ашё ва бошқа активларни сотиб олишдан тортиб ходимлар иш хақини тўлаш учун ҳам молия талаб қилинади. Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб қувватлаш, асосан, тижорат банклари ва микромолия ташкилотларининг вазифаси хисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 95 фоиздан ортигини мусулмонлар ташкил этиши[1], исломий молиянинг дунё миқёсида рентабеллиги юқорилиги ва барқарор ривожланаётганилиги, пандемия каби ҳар хил кутилмаган ҳолатларга


чиdamлилиги[2] сингари омиллар ислом молиясини иқтисодиётимизга жорий қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Аҳоли ва тадбиркорлар орасида уларнинг исломий молиялаш усулларидан хабардорлиги, бундай молиялашга эҳтиёжи борлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун сўровнома ўтказилди[3]. Сўровнома <https://docs.google.com> сайти орқали 2024 йилнинг 27 январидан 28 мартаға қадар бўлган икки ойлик даврда республикамиз бўйича амалга оширилди.

Сўровномада иштирок этган жами 732 нафар[3] респондентларнинг катта қисми (458 нафар ёки 63 фоизи) Хоразм вилоятидан бўлди. Сўровномада қатнашганларнинг 73 таси тадбиркорлик субъектлари ва 659 нафари жисмоний шахслардир. Ўз навбатида, жисмоний шахслар ва тадбиркорлар вакиллари яшаш ҳудуди, ёши, маълумоти, касбий йўналиши ва тажрибаси бўйича тоифаларга ажратилди.


Сўровномада асосан ўрта яшар аҳоли иштирок этган бўлиб 15-25 ёш оралиғидагилар 34 фоизни, 26-35 ёш оралиғидагилар 25 фоизни, 36-45 ёш оралиғидагилар 27 фоизни ва 46-55 ёш оралиғидагилар 10 фоизни ташкил этди.

Аксарият иштирокчилар олий маълумотта (79%) эга эканликларини билдиришган ҳамда ўрта маҳсус маълумотлилар (10%) ва ўрта маълумотлилар (9%) ҳам фаол иштирок этишган.



1-расм. Сўровномада иштирок этганларнинг фаолият соҳалари.


Бундан ташқари, респондентларнинг молиявий соҳа билан, яъни банклар билан ўзаро ҳамкорлик даражасини билишга қаратилган, яъни банк хизматлариiga қанчалик тез-тез мурожаат қилишлари ва қайси турдаги банк хизматларидан кўпроқ фойдаланишлари ҳақида ҳам саволлар қўйилди.



2-расм. Респондентлар банк хизматларидан фойдаланиш даражаси.

Иштирокчиларнинг деярли учдан икки қисми доимий равишда банк хизматларидан фойдаланувчилар экан.

Жисмоний шахслар томонидан банкларнинг пластик карталари, пул ўтказмалари, банкоматлар ва кредитларидан кенг фойдаланилаётганлиги, тадбиркорлар эса асосан пул ўтказмалари, кредитлар ва пластик карталардан фойдаланишлари маълум бўлди.



3-расм. Респондентлар банк хизматларидан фойдаланиш даражаси.


Фикр билдирганлардан 430 нафари (59%) банк кредитларидан фойдаланмасликларини баён этган бўлиб, улардан тахминан ярми (50%) фоиз

даражасининг юқорилигини, 30 фоизи диний қарашлари сабабли, 28 фоизи кредитларга зарурати йўқлиги ва 15 фоизи мураккаб талабларнинг мавжудлигини сабаб қилиб қўрсатишган.

Сўровномада қатнашганларнинг 39 фоизи хозирда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини “қониқарли” ва “қониқарсиз” баҳолаганлар.

Банк хизматлари сифатини ошириш учун билдирилган таклифлардан энг кўпи “хизматлар турларини кенгайтириш” (270 та ҳолатда) бўлганлигини ўзи, **биринчидан**, банк тизимида молиялашнинг янгича усуllibарини жорий этишга эҳтиёж борлигини қўрсатмоқда. Шу қаторда, банклар техник базасини такомиллаштириш (260 та ҳолатда) ва навбат муаммоларини ҳал қилиш (258 та ҳолатда) ҳам биринчи даражали масалалардан экани маълум бўлди.

Жами билдирилган таклифларнинг атити 5 фоизида банк хизматлари сифатини ошириш шарт эмаслиги қайд этилган.



Иккинчидан, молиялашнинг ҳар иккала усули (анъанавий ва исломий) ҳам Ўзбекистонда жорий қилинса 527 (72%) нафар респондент исломий молиялаш усулини танлашини ва ислом молиясини ривожлантиришдаги муаммолардан бири бўлган – аҳоли анъанавий молия тизимини афзал қўриши дея фикр билдирганлар атити 104 (14%) нафарни ташкил қилган.

Сўровномада иштирокчиларининг 38,2 фоизи гарчи қонун-қоидаларини яхши тушунмаса ҳам диний қарашлари боис исломий молиялаш усулини танлашини билдирганлиги **учинчи** сабаб сифатида келтирилиши мумкин. Анъанавий ёки исломий молиялаш усулини танлашда эътибор бериладиган жихатлар орасида, хатто хизматларнинг нархи (27 фоиз) ва сифати (23,5 фоиз) иккинчи ва учинчи ўринда қўрилган.

Ислом молияси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлганлар жуда камлиги (64 нафар ёки 9 фоиз) ва эшитган аммо тасаввурга эга бўлмаганлар эса жуда кўплиги (282 нафар ёки 39 фоиз) аҳоли ва тадбиркорлар орасида, шу жумладан, масс-медиа орқали ислом молияси ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш лозимлигини хulosha қилиш мумкин.

Исломий молиялаш шартлари асосида кредит олиш (77 фоизи) ва омонат кўйиш (76 фоизи) истагини билдирганлар улусининг катталиги ҳам бу борадаги қилиниши лозим бўлган ишларни тезлаштириш заруриятини изоҳлайди.

Тадқиқотнинг юқоридаги натижаларининг ўзидан, республикамиз аҳолисининг амалдаги банк хизматларидан етарли қониқишига эга эмасликлари, банк тизимида ноанъанавий молиялаш усулларига зарурат борлиги тўғрисида хulosha қилиш мумкин.

Сўнгти йилларда эса барча тижорат ташкилотлари бозор қонунлари асосида бевосита исломий тамойилларга асосланган иқтисодий фаолиятини амалга ошира олиши учун тартиб, қоида ва мейёrlар келтирилган Қонун, Президент қарорлари ва низомлар босқичма-босқич ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, бу соҳада етакчи молиявий ташкилотлар ва ҳалқаро сертификатта эга мутахассислар билан биргалиқда ташкилий ишлар мухокама қилинмоқда, семинарлар ўтказилмоқда, битимлар имзоланмоқда. Бунда асосан, исломий молиявий инструментлар, уларни кўllaш бўйича тушунтиришлар олиб борилмоқда. Лекин бу борада энг катта туртки бўлиши мумкин бўлган омиллардан – ислом молиясини амалиётта жорий қилиш бўйича қонунчилик нормаларига киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар ҳамда ташкилий масалаларга унча эътибор берилмаяпти.

Исломий молиялашни тезроқ жорий этиш, самаралироқ фаолият олиб бориши, тадбиркорликнинг барча субъектлари тушуниши учун содда бўлган тартиб қоидаларни ишлаб чиқиш зарурлиги бўйича хulosha қилинди.

Фойдаланилган манбалар:

1. <https://religions.uz/pages/view?id=86>
2. https://www.refinitiv.com/content/dam/marketing/en_us/documents/gated/reports/ifdi-report-2022.pdf
3. <https://docs.google.com/forms/d/1s-ecG3o100T5ZhlWjKzAj1XSIbddhzwGFqx9bsq-0qg/edit#responses>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

